ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND TUMANI
**HOKIMI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
САМАРҚАНД ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**

2019

# QAROR

2007 йил "29" май № 558-к

Фукаро Умаров Собир Мухсиновичга собик «Узбекистон» ширкат хужалигидан сотиб олинган курилиши тугалланмаган консерва цехи жойлашган 1,40 га ер майдонидан доимий фойдаланиш хукукини утказиш хакида.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255-сонли карорининг ижросини таъминлаш максадида Конигил кишлоги жойлашган собик тумандаги «Узбекистон» ширкат хужалигига карашли курилиши тугалланмаган консерва цехи 2006 йил 4 июлдаги 82/325/6649-сонли олди-сотди шартномалари, «Узбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази» Самарканд филиалида 2006 йил 4 июлда утказилган Марказлаштирилган электрон биржа савдосининг баённомасидан 82/3-кучирмаси хамда топшириш кабул килиш далолатномаси ва фукаро Умаров Собирнинг туман хокими номига ёзган аризаси инобатга олиб Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан

**Карор киламан:**

1. Фукаро Умаров Собир Мухсинович томонидан собик «Узбекистон» ширкат хужалигига карашли булган курилиши тугалланмаган консерва цехини олди-сотди шартномалари асосида сотиб олганлиги сабабли бино, иншоотлар жойлашган жами: 1,40 га (шундан: 1,40 га ижтимоий бино ва ховли) ер майдонидан доимий фойдаланиш хукуки утказилсин.

2. Фукаро Умаров Собир Мухсиновичга курилиши тугалланмаган консерва цехини кайта куришдан олдин Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал килган холда А.Р.Т. лойиха смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси руйхатидан утказиш вазифаси топширилсин.

3. Узбекистон Республикасининг «Ерга солик солиш тугрисида»ги Конунига асосан ер солигини ундириш ва 2008 йил 1 январ холатидаги ер балансига узгартириш киритиш туман Давлат солик инспекцияси бошлиги З. Аминов ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиги в/б Т. Шароповга топширилсин.

4. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М. Турсунов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** **Б. Садуллаев**